

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019. TAR.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

УЛУГБЕК РАХМАТУЛЛАЕВИЧ ХАЛМУМИНОВ

**АШИНАЛИЙЛАР ДАВРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
БОШҚАРУВ ТИЗИМИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент, 2022

УДК: УЎК:94:930.2(575.121)(043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Улугбек Рахматуллаевич Халмуминов

Ашиналийлар даврида Фарғона водийси бошқарув тизими 3

Улугбек Рахматуллаевич Халмуминов

Система управления в Ферганской долине в период Ашинидов27

Ulugbek Rahmatullayevich Khalmuminov

Administration system of Ferghana valley under the rule of Ashinids 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019. TAR.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

УЛУГБЕК РАХМАТУЛЛАЕВИЧ ХАЛМУМИНОВ

**АШИНАЛИЙЛАР ДАВРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
БОШҚАРУВ ТИЗИМИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент, 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2021.4.PhD/Tar.372 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида
бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш
веб-саҳифасида (www.fati.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида
(www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғайбула Болиевич Бобоёров
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Аблат Хўжаев
тарих фанлари доктори, профессор

Санданвар Баҳромжон ўғли Юлдашев
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих
институти хузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 рақамли
Илмий Кенгашининг 2022 йил «6» 04 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:
100047, Тошкент шаҳри, Яхё Фуломов кўчаси, 70-уй, Фанлар академияси асосий биноси,
110-хона. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz)

Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий
кутубхонасида танишиш мумкин (15 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170,
Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41)

Диссертация автореферати 2022 йил «16» 03 куни тарқатилди.
(2022 йил «15» 03 даги 6 рақамли реестр баённомаси билан)



Азамат Зиё

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тарих фанлари
доктори, профессор

Х.С. Жуманазаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тарих
фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Н.А. Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, тарих фанлари доктори,
катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонинг муҳим тарихий-географик ва иқтисодий-маданий ҳудудларидан бири Евросиё кенгликларидан, айниқса, унинг муҳим бир қисми бўлмиш Марказий Осиёда деярли уч минг йиллик вақт кесимида турли халқлар, шу жумладан, туркийлар томонидан тузилган ўнлаб йирик сиёсий уюшмалар ўзига хос иқтисодий ва энтомаданий муҳит яратишган. Бу жараён эса турли элатлар орасида ўзаро ижтимоий-сиёсий ва этномаданий алоқаларнинг кучайишига олиб келган. Шу сабабли бугунги кунда ушбу минтақа халқлари орасидаги тарихий алоқаларни алоҳида тадқиқ этиш муҳим саналади. Айниқса, минтақа халқлари давлатчилиги ва у билан узвий боғлиқ давлат бошқаруви нуқтаи назаридан бу масала қараб чиқилса янада яққолроқ ўз ифодасини топади.

Кейинги йилларда дунёнинг кўплаб йирик илмий тадқиқот муассасаларида Ашиналийлар сулоласи – Турк хоқонлиги¹ ва унинг таркибида бўлган Фарғона, Чоч, Шарқий Туркистон тарихига алоҳида эътибор берилиб, кўчманчишунослик йўналишидаги изланишларнинг сафи кенгаймоқда. Фарғона водийси қадимда бўлганидек, илк ўрта асрларда ҳам юксак маданияти ва тизимли давлатчилик анъаналари билан минтақа халқлари тарихида чуқур из қолдирган. Минтақалараро ўзаро алоқалар кучайиб бораётган бугунги кунда ўтмишда Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудлар – Қора денгизнинг шимоли ва Ўрхун водийси (Мўғулистон) оралиғида ўз давлатини барпо қилиб, турли тил ва маданиятларга эга кўплаб халқлар орасида ўзаро тотувликни таъминлаган хоқонлик ва унинг таркибидаги вассал ҳукмдорликлар тарихини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шарқий Европа, Туркия, Россия, Мўғулистон, Хитой билан биргаликда Марказий Осиё мамлакатларида ҳам бу соҳада ўнлаб мутахассислар етишиб чиқаётганлиги ҳам буни кўрсатиб турибди. Бу масалани ўрганишда хорижлик тадқиқотчилар Чоч, Суғд каби тарихий-географик вилоятлар билан биргаликда Фарғона водийсига ҳам бирмунча эътибор қаратишган бўлса-да, Ашиналийлар сулоласи даврида Фарғона водийсининг қай йўсинда бошқарилгани масаласи тўлақонли ёритилмаган. Шу боис, бугунги кунда хоқонлик томонидан водийнинг бошқарилиши масаласини тадқиқ қилиш долзарблик касб этади.

Халқлараро интеграцион жараёнлар тобора фаоллашаётган бугунги кунда ўтмишда рўй берган тарихий жараёнларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. ЎзР Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросим”да сўзлаган нутқида қардош халқлар интеграциясига

¹ *Ашиналийлар* - ушбу сулола қурган давлат тарихий адабиётларда “Турк хоқонлиги”, “Ғарбий Турк хоқонлиги” номлари билан юритилиб, туркий давлатчилик нуқтаи назаридан қараганда уни “Ашиналий сулоласи” деб аташ тўғрироқ бўлади (*Қаранг*. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 80-90). Шу билан бирга, кўпчилик ўзбекистонлик изланувчилар ушбу хоқонликни “Турк хоқонлиги” деб номлаш тарафдоридир. Бизнингча, бу масала Ўзбекистон тарихчилари орасида ўз ечимини кутаётган масалалардан биридир.

катта эътибор бериб ўтди². Ўзаро қардошлик алоқалари янада ривожланаётган бугунги кунда тарихий воқеаларга холислик нуқтаи назаридан баҳо бериш зарурати мавжуд. Шу жиҳатдан, илк ўрта асрларда Марказий Осиё ва унга қўшни худудларни ўз ичига олиб, ўнлаб халқлар орасида ўзаро интеграция жараёнларига ҳисса қўшган Ашиналийлар сулоласи тарихини Фарғона водийси мисолида ўрганиш долзарбдир.

Ўзбекистонда Фарғона водийсининг Ашиналийлар сулоласи тарихида тутган ўрни бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бирок, тадқиқотларда асосий эътибор Ашиналий сулоласининг умумий тарихига қаратилган бўлиб, бизнинг дастлабки кузатувларимиз бу борада қўплаб масалаларнинг ҳануз ўз ечимини топмаганини кўрсатди. Айниқса, хоқонлик томонидан Фарғонанинг қандай усул ва воситаларасосида бошқарилганлиги масаласида тадқиқотчилар бир тўхтамга келишмагани, бири иккинчисинирад қиладиган қарашлар ҳалигача давом этаётгани аён бўлди. Шу сабабдан мазкур тадқиқотда хоқонлик даврида минтақанинг кўчманчи ва ўтроқ халқлари ўзаро алоқаларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4749-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони³ ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябр 831-сон “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида Ахсикент археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”⁴ Қарорида белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихи, моддий ва маданий меросини илмий ўрганиш, тарғиб қилиш ва бойитиб бориш каби вазифаларни муайян даражада бажаришга ушбу тадқиқот иши хизмат қилади.

Мавзунинг республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтининг 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-11986 “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” номли фундаментал ҳамда 2017-2018 йилларда бажарилган “ОТ А1-128 “VII-XIX аср биринчи ярми ўзбек давлатчилиги тизимида даргоҳ ва девонлар фаолияти тарихидан” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик

² Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросим”да сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019. – № 218 (7848). – В. 1-2.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 феврал ПФ 4749-сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармон // <https://lex.uz/docs/3107036>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябр 831-сонли “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида Ахсикент археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/docs/3382160>

давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналишига мос келади.

Муамонинг ўрганилганлик даражаси. Илк ўрта асрларда Фарғона водийси тарихи бир қадар ўрганилган бўлса-да, водий ўтмишининг Ашиналийлар сулоласи, яъни Турк хоқонлиги даврида кечган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнлар махсус тадқиқ этилмаган.

Муаммонинг айрим жиҳатлари тадқиқотчилар томонидан бирмунча ўрганилган бўлиб, диссертацияда ушбу масалага бағишланган параграф борлиги учун бу ерда уларнинг алоҳида аҳамиятга эга бўлганларига тўхталиб ўтамиз. Хусусан, француз хитойшуноси Э. Шаванн⁵, рус ҳамда совет тарихчи ва туркологлари А.Н. Бернштам⁶, С.Г. Кляшторный⁷, суғдшунос олимлар О.И. Смирнова⁸ ва В.А. Лившиц⁹, америкалик тадқиқотчи Ж.К. Скэфф¹⁰, франциялик тадқиқотчилар Ф. Гренэ ва Э. де ла Весьерларнинг изланишларида¹¹ Ашиналийларнинг Фарғонадаги бошқарувига тўхталиб ўтилган. Ушбу тадқиқотчилар Ашиналийлар сулоласининг бошқарув тартиби ва унинг Фарғонадаги бошқаруви масаласига қисман тўхталиб ўтишгани кўзга ташланади. Жумладан, О.И. Смирнова ўз ишларида бевосита Фарғона ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган қадимги турк тангалари масаласига эътиборни қаратиш баробарида Фарғона – Суғд муносабатларига ҳам тўхталиб ўтган¹². В.А. Лившиц эса Суғднинг Панч вилоятига тааллуқли суғдий тилли Муғ тоғи ҳужжатларини тадқиқ этиш баробарида Фарғона ва хоқонлик ўртасидаги муносабатлар масаласига ҳам эътибор қаратган¹³. Америкалик тадқиқотчи Ж.К. Скэфф эса хоқонлик ва унинг вассаллари орасидаги ўзаро муносабатлар масаласини қисқача ёритишга ҳаракат қилган¹⁴. Унинг бу борада билдирган фикрлари ўзининг муҳимлигини билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда илк ўрта асрлар тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар томонидан ҳам Турк хоқонлиги, ҳам Фарғона ҳукмдорликлари сиёсий тарихи ўрганилган. Жумладан, тарихчи ва археолог

⁵ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. – Вып. 6. – СПб., 1903. – С. 148-149.

⁶ Бернштам А. Н. Древняя Фергана (Научно-популярный очерк). – Тошкент, 1951; Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. – Москва, 1952. – № 1. – С. 187–195.

⁷ Кляшторный С. Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам) // ЭВ, 1954. – № IX. – С. 55-64.

⁸ Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. – Москва, 1970. – С. 254-257.

⁹ Лившиц В. А. История изучения Согда // Рахмат-наме: Сборник статей к 70-летию Р. Р. Рахимова / Отв. ред. М. Е. Резван. – Санкт Петербург: МАЭ РАН, 2008. – С.184-202.

¹⁰ Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. – Ankara, 2002. – Т. 2. – P. 364-372.

¹¹ Grenet F. Les «Huns» dans les documents Sogdiens du mont Mugh (aves un Appendice par N. Sims-Williams) // *StIr*, 7. Études Irano-Aryennes offertes à Gilbert Lazard. – Paris, 1989. – P. 165–184; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // *Silk Road Art and Archaeology*, 8. – Kamakura 2002. – P. 155–196.

¹² Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. – Москва: Наука, 1970. – С. 254-257; Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – Москва: Наука, 1981. – С. 58-59.

¹³ Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. – Москва: восточной лит-ры, 1962. – С. 80-85.

¹⁴ Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлиги тарихи ва танга-пул тизими. – Тошкент: Tafakkur avlodi, 2021. – Б. 122-123.

олимлар А. Асқаров, А. Анарбоев, Б. Матбобоев, Г.П. Ивановлар ўз изланишларида илк ўрта асрларда Фарғона тарихига, хусусан, унинг тарихий топографиясига эътибор қаратишган¹⁵. Л.С. Баратова ва А. Маликов ўз изланишларида Фарғона водийси археологик ёдгорликларидан топилган хоқонликка алоқадор моддий ашёлар, хусусан нумизматик материалларни тадқиқ этиш баробарида, Фарғонадаги туркий сулолалар тарихини бирмунча ёритиб ўтишган¹⁶. Хитойшунос А. Хўжаев Фарғона тарихига доир хитой йилномаларидаги маълумотларни таҳлил қилиб, ушбу ҳукмдорликлар ва хоқонлик орасидаги муносабатлар масаласига муфассалроқ тўхтаб ўтган¹⁷. Суғдшунос олим М. Исҳоқов ўз тадқиқотларида Фарғона подшолиги тарихи масаласига ҳам эътибор қаратган¹⁸. А. Отахўжаев хоқонлик тарихи ва ўша даврга хос муҳим омил – турк-суғд муносабатларига диққатини қаратиб, Фарғона водийси ҳукмдорлари мисолида жараёни ёритишга ҳаракат қилган¹⁹. Ғ. Бобоёров Ашиналийлар сулоласининг вассаллар бошқарувига тўхталар экан Фарғонадаги хоқонлик бошқарувига ҳам қисқача тўхталиб ўтган²⁰. Тадқиқотчи хоқонлик таркибидаги 20 дан ортиқ вассал ҳукмдорликлар бошқаруви масаласи доирасида тадқиқот ишларини амалга оширган бўлса-да, Фарғона водийсининг Ашиналийлар даври бошқарув тизимига чуқур тўхталмаган. М. Хатамова хоқонлик давридаги шаҳарсозлик маданиятини тадқиқ этиб, Фарғона водийсида шаклланган бошқарув марказларига ҳам эътибор қаратган²¹. А. Кубатин эса қадимги туркий унвонлар масаласини ёритар экан хоқонлик даврида Фарғона водийсидаги унвонларга тўхталган²².

Умуман олганда, ушбу тадқиқотчиларнинг аксарияти ўз изланишларида

¹⁵ Асқаров А. А. Қадимги Фарғона тарихидан лавҳалар // Археология и история Центральной Азии. К 70 летию со дня рождения академика АН Республики Узбекистан Ю.Ф. Бурякова. – Самарқанд, 2004. – С. 27- 28; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – Б. 34-37; Матбобоев Б. Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V–VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида): Тарих фанлари док. дисс. автореферати. – Самарқанд, 2009. – 58 б.; Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. – Тошкент, 2013. – С. 489-490.

¹⁶ Баратова Л.С. Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент, 2001. – Б. 44-59; Маликов А. Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI–VIII вв. (по археологическим и письменным источникам). Автореф. на соиск. учен. степени канд. наук. – Самарқанд, 2000. – С. 8-12.

¹⁷ Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: қадимий ва илк ўрта аср хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. – Фарғона: Фарғона, 2013. – С. 79-93.

¹⁸ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент, 1992. – Б. 24-26.

¹⁹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент, art-flex, 2010. – Б. 14-16; Ўша муал. Буюк ипак йўли: Суғд ва Фарғона муштарақлиги / Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 73–78; Ўша муал. Фарғона подшолиги Алутарнинг илк ўрта асрлар тарихидаги ўрни // Фарғона водийси янги тарихий тадқиқотларда мавзусидаги 2-республика анжумани материаллари. – Фарғона, 2012. – Б. 97-101.

²⁰ Бобоёров Ғ. Турк хоқонлигининг Мовароуннахрдаги бошқарув тизими ҳақида // O'zbekistan tarixi. – Тошкент, 2000. – № 4. – Б. 71-79; Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими) // Шарқшунослик. – Тошкент, 2002. – №11. – Б. 119-129; Турк хоқонлиги даврида Кеш // Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган конференция материаллари. – Тошкент, 2002. Б. – 66-67; Турк хоқонлиги даврида Нахшаб (бошқарув тизими) // Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни номи 2700 йиллик таваллудига бағишланган халқаро конференция материаллари. – Тошкент – Қарши, 2006. – С. 133-138.

²¹ Хатамова М. Турк хоқонлиги шаҳарлари (VI–VIII асрлар): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 10, 22-24.

²² Кубатин А. Система титулов Тюркского каганата: генезис и преемственность. – Ташкент: Yangi nashr, 2016. – С. 104, 123.

Турк хоқонлиги ва Фарғона орасидаги муносабатларнинг фақат айрим жиҳатларига тўхтаб ўтишган, хоқонлик вассалларидан бири бўлмиш Фарғона водийсининг бошқарилиши муаммоларига бағишланган махсус тадқиқот олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийсининг Ашиналийлар сулоласи – Турк хоқонлиги томонидан бошқарилишини кўчманчи салтанатларнинг ўтроқ воҳаларни бошқаришда қўллаган сиёсий-иқтисодий усуллар ва воситаларни очиб берилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона водийсида кечган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларни илк ўрта асрларга оид ёзма манбалар асосида таҳлил қилиш;

Илк ўрта асрлар Фарғона водийси тарихининг ўрганилиши масаласини кўриб чиқиш;

Илк ўрта асрларда Фарғона водийсидаги сиёсий ҳолат очиб берилган;

Фарғона водийсидаги маҳаллий сулолалар ва уларнинг бошқарув марказларини аниқлаш;

Фарғона водийсида араблар босқини ва бошқарувда юз берган ўзгаришларни кўриб чиқиш;

Ашиналийлар даврида Фарғона водийси ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ёритиш;

Фарғонадаги Ашина сулоласининг танга-пул тизимини таҳлил қилиш;

Ашиналийлар даврида Фарғона водийсида юз берган этномаданий жараёнларни очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти этиб Ашиналийлар сулоласи – Турк хоқонлиги (552-744) даврида Фарғона водийси тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети Ашиналийлар сулоласи – Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан Фарғона водийсининг бошқарилишини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда солиштирма ва комплекс таҳлил, даврлаштириш, типологик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсининг Ашиналийлар сулоласи – Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан ўтроқ ва кўчманчи элатларга хос икки усулда: хоқонлик ҳукмдор сулоласи вакиллари тайинланиши ва тобе маҳаллий сулолани сақлаш орқали бошқарилгани, бу эса бошқарувда кўчманчи чорвадор ва ўтроқ деҳқон халқларга хос анъаналар ўзаро қоришувига олиб келгани исботланган;

Фарғона водийсидаги Ашина хонадонининг бошқарув маркази Косон шаҳри бўлгани, Ахсикент, Қува, Ўзганд ва Исфара каби шаҳарлар эса унга бўйсунувчи ҳукмдорлик – мулкликларнинг маркази бўлгани ва уларни туркий сулолалар бошқаргани аниқланган;

Фарғона водийсини бошқарувчи сулола Ашиналийлар (Ғарбий ва Шарқий Турк хоқонликлари) билан яқин сиёсий ва ҳарбий алоқалар ўрнатгани, хоқонлик қўшинлари билан бирга арабларга қарши курашиб, Суғд ва Тўхористонгача етиб боришгани исботланган;

Ашиналийлар даврида Фарғона водийсида ўтроқ ва чорвадор аҳоли орасида иқтисодий ва этномаданий жараёнлар жадаллашгани Қува, Исфара, Шўрабашат шаҳар харобаларидан топилган турк-рун ёзувли битиклар, танга-пуллар каби моддий ашёлар айнан шу жараёнлар маҳсули эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсидан топилаётган турли археологик топилмалар – тангалар, қадимги турк-рун ёзувли сопол буюмлар водийда туркий сулола ҳокимияти билан боғлиқлиги исботлаб берилган;

Ашиналийлар сулоласи – Турк ҳоконлиги бошқаруви даврида Фарғона водийси аҳолиси таркибидаги туркий қатламнинг янада ошишига катта таъсир қилгани кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертациядаги ҳар бир масала ёзма ва моддий манбалар билан таққослангани билан изоҳланиб, бу мавзуда амалга оширилган илмий тадқиқотлардаги фикр ва мулоҳазалар жалб қилинган, тарих фанида тан олинган хронологик, тизимлилик, қиёсий таҳлил ва назарий ёндашувларнинг қўлланилгани, тарихий ва археологик илмий адабиётлардан фойдаланилгани, хулосалар ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, диссертацияда қўлга киритилган илмий натижалар илк ўрта асрларда Марказий Осиё ва унга қўшнихудоудларда кечган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларни ёритиш, Ўзбекистон тарихининг Ашиналий сулоласи – Турк ҳоконлиги даври сиёсий ва этник тарихи, нумизматика, минтақашунослик, жаҳон цивилизациялари тарихи ва бошқа қадимги маданиятларни ўрганувчи фан соҳаларига оид мавжуд назарий билимларни янада бойитиш, уларнинг дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятини беради.

Амалий аҳамияти шундаки, республика олий ўқув юртларида, академик лицей, коллежлар, айниқса, умумтаълим мактабларида ёшларга Ўзбекистон ва ўзбек халқи тарихини ўқитишда, археолог, антрополог ва тарихчилар тайёрлаш курслари учун дарсликлар, илмий-услубий ва ўқув қўлланмалари яратишда назарий манба сифатида кенг фойдаланиш мумкин. Талабалар ва магистрлар учун “Ўзбекистон тарихи”, “Тарихий ўлкашунослик”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанлари, “Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарлари”, “Ўрта Осиё шаҳарлари тарихий топографияси” фанидан ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийсининг илк ўрта асрлар даври давлатчилик тарихи ва моддий маданиятини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган натижалари асосида:

Фарғона водийсидаги Косон, Ахсикент, Қува, Ўзганд ва Исфара каби шаҳарлари бўйича олинган илмий натижалари 2012-2016 йилларда Тарих институтида бажарилган Ф1-ФА-0-11986 рақамли “*Ўзбекистон шаҳарлар тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)*” фундаментал лойиҳа ва 2017-2020 йилларда

бажарилган ОТ-Ф-132 рақамли “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи тарихшунослиги: назарияси ва шаклланишининг тарихий босқичлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 22 июндаги 3/1255-1818 – сон маълумотномаси). Тадқиқотчининг аниқлашича, шу пайтгача асосан археолог олимлар томонидан ўрганиб келинган Фарғона водийсининг илк ўрта асрлар тарихи бўйича кўплаб ёзма маълумотлар мавжуд. Улар асосида Ашиналийлар – Турк хоқонлиги даврида Фарғонада юксак бошқарув тизими йўлга қўйилган бўлиб, бу ҳолат айнан шу даврда илк Фарғона тангалари зарб қилинган, иш юритиш ва ёзишмаларда қадимги турк ва суғдий ёзув амалда бўлгани каби омилларда ўз тасдиғини топиши кўплаб мисоллар орқали исботлаб берилган;

Қадимги ва ўрта асрлар даври археологик ёдгорликлар ва моддий маданиятини тадқиқ қилиш жараёнига илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston tarixi” каналида Фарғона водийсининг илк ўрта асрлардаги тарихини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканали ДУКнинг 2021 йил 28 январдаги 02-40-128–сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кенг жамоатчилик онгида Фарғона водийсининг илк ўрта асрлар даври, хусусан, Ашиналийлар сулоласи – Турк хоқонлиги даври моддий маданияти ва ўша давр давлатчилик тарихи тўғрисида тушунчалар ҳосил бўлишида асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан фалсафа доктори диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналда чоп этилган. Шунингдек, 3 та мақола мамлакатимизда бўлиб ўтган илмий анжуманларнинг тўпламларида, 4 та мақола хорижий илмий анжуман тўпламида ўз аксини топган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар, шартли қисқартмалар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 167 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объект ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг ЎзР фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги ва тарих фани учун назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий

қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Илк ўрта асрларда Фарғона водийси сиёсий тарихнинг манбашунослиги ва тарихишунослиги” деб номланиб, унинг 1- параграфида “Илк ўрта асрларга оид ёзма манбаларда Фарғона водийси” баён қилинган. Фарғона водийси алоҳида тарихий-географик вилоят сифатида бўлиб, шимол ва шимоли-шарқдан Тароз (Еттисув), Кошғар, жануб ва жануби-ғарбдан Уструшона ва Чоч хукмдорликлари – мулкликлар билан кўшни эди²³. Бу даврда водий дастлаб Эфталитлар (420-565), сўнгра эса Ашиналийлар, яъни Турк хоқонлиги (552-744) қўл остидаги хукмдорликлардан бири сифатида ўз ички бошқарувини сақлаб қолган.

Бу давр Фарғона тарихи тегишли маълумотлар хитойча “Бей-ши”, “Суй-шу” ва “Тан-шу” каби йилномаларда ўрин олган²⁴. Сюан Цзан (629-645), Хой Чао (726) ва Ду Хуан (750) каби хитойлик роҳиб ва сайёҳларнинг²⁵ Марказий Осиё ва унга кўшни мамлакатларга қилган саёҳатлари катта ўрин тутади²⁶.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари (А-14, В-17, В-18 рақамли)да Фарғона тарихига тегишли маълумотлар ҳам учрайди²⁷. Уларда Фарғона ва Турк хоқонлигига тегишли маълумотлар учраб, улардан биринчисида *βρυ'nk MLK'* “Фарғона подшоси”, *βρυ'nk twttk* “Фарғона тутуғи” тўғрисида сўз борса, қолганларида *х'γ'n* “хун (турк) хоқони” ва “фарғоналик кўмондон” эслатилади²⁸.

Абу Жаъфар ат-Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук» (IX аср) асари алоҳида аҳамиятга эга²⁹. Асарда Фарғонадаги маҳаллий сулолалар, хукмдорларининг исми ва унвони, бошқарув марказлари бўйича бирламчи маълумотлар ўрин олган. IX–XII асрларда Марказий Осиё ўлкаларига саёҳат қилган Масъудий, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий кабиларнинг асарларида Фарғона водийсидаги бошқарув марказлари, исломдан аввалги даврларда бу ерда мавжуд бўлган сиёсий-маъмурий тизимга доир ҳам муҳим маълумотлар ўрин олган³⁰.

²³ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 258, 274, 284; Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар ... – Б.119-123; Матбабаев Б. Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Ташкент: Тафаккур, 2009. – С. 91.

²⁴ Бичурин Н. Я. Собрание сведений ...II. – С. 274, 285; Хўжаев А. Суй шу (“Суй сулоласи тарихи”)дан (“Тан сулоласининг янги тарихи”)дан / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент.: Фан, 2014. – Б. 24.

²⁵ Beal S. The life of Hiuan Tsiang. – New Delhi, 1990; Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. – Москва, 1952. – № 1. – С. 187–195; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. – Ankara, 2003.

²⁶ Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао .. – С. 193; Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар ... Б. 120; Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар ... Б. 123.

²⁷ Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. Москва, 1962; Grenet F., dela Vaissiere E. The last days... – P. 155–196.

²⁸ Согдийские документы с горы Муг. Чтение. Перевод. Комментарий. Вып. III. Хозяйственные документы. Чтение, перевод и комментарии М. Н. Боголюбова и О. И. Смирновой. – Москва, 1963. – С. 70, 78–79; Grenet F., dela Vaissiere E. The last days of Panjikent... P. 167-168.

²⁹ История ат-Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). – Ташкент, 1987.

³⁰ al-Istakhri, Abu Ishak al-Farisi. Viae regnorum. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 1. – Lugduni-Batavorum: E. J. Brill, 1967; Худуд ул-олам (Мовароуннахр тавсифи). Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой

Археологик топилмалар илк ўрта асрлар Фарғона водийси тарихини ўрганишда археологик қазилма ишларида қўлга киритилган материалларнинг ўрни катта. XX асрнинг 30-40 йилларидан то 70- йилларгача М.Е. Массон, А.Н. Бернштам, Ю.А. Заднепровский, Н.Г. Горбунова, Я. Ғуломов каби бир қатор археологлар томонидан олиб борилган қазилма ишлари 90-йилларга келиб, А. Анарбоев, Б. Матбобоев, Г.П. Иванов каби олимлар томонидан давом эттирилди. Шунингдек, А. Асқаров, А. Анарбоев, Б. Матбобоев, Г.П. Иванов, Ф. Мақсудов каби археологларнинг ишлари алоҳида диққатга сазовордир³¹. Водийнинг Ахсикент (Эски Ахси), Косон (Муғтепа), Қува, Оқбура (Ўш) каби шаҳарлар водийнинг сиёсий-маъмурий марказлари экани аниқланган бўлиб, Қува шаҳар харобасидан топилаётган қадимги турк ёзувли сопол парчалари, нумизматик материаллар алоҳида илмий аҳамиятга эга. Шунингдек, мазор-қўрғонлар, от ёки от анжомлари билан кўмилган қабрларнинг топилиши ва уларнинг қадимги туркларга тегишли эканининг аниқланиши³² хоқонлик даври миграцион жараёнларини кузатиш мумкин. Эски Ахси, Қува, Муғ (Косон) ва бошқа ёдгорликлардан суғдий ёзувли “хоқон” унвонли мис тангалар³³, қадимги туркча ёзувли ўнлаб эпиграфик ёдгорликлар топилган³⁴.

Биринчи бобнинг 2- параграфи “Илк ўрта асрлар Фарғона водийси тарихининг ўрганилиши” деб номланган. Фарғона тарихини илмий йўналишда ёритиш ишлари XIX аср сўнгги ўн йилликлари – XX аср бошларига тўғри келади. 1880-йилларда Н.И. Веселовскийнинг водийда олиб борган илк археологик изланишларида³⁵, кейинчалик, В.В. Бартольд тадқиқотларида Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври ёритилди³⁶. А.Н. Бернштам, Ю.А. Заднепровский, Н.Г. Горбунова, Г.А. Брикина, О.И. Смирнова, С. Раҳимов, А. Асқаров, А. Анарбоев, Б. Матбобоев, Г.П. Иванов, Л.С. Баратова, Б. Абдуллаев каби археологлар, шунингдек, А. Хўжаев, А. Отахўжаев, Ғ. Бобоёров, М. Хатамова, А. Кубатин каби тарихчилар бу масалага бирмунча тўхталиб ўтишган³⁷.

номлари кўрсаткичи муаллифи О. Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – С. 356; Материалы по истории киргизов и Киргизии. – М: Наука, 1973. – Вып. 1.

³¹ Ширинов Т. Ш., Матбобоев Б. Х., Иванов Г. П. Ахмад ал-Фарғоний даврида Қубо шаҳри. – Тошкент, 1998; Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. – Тошкент, 2013; Анарбаев А. А., Мақсудов Ф. А. Древний Марғилан. – Ташкент: Фан, 2007.

³² Матбабаев Б. Х., Иванов Г. П. Находки погребений с трупосожжением и конем в Фергане // ОНУ, № 5. – Тошкент, 1997. – С. 72-75.

³³ Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981. – С. 336-342; Баратова Л. С. Некоторые аспекты товарно-денежных отношений Ферганы древности и раннем средневековье // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги тутган ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2007. – С. 43-50.

³⁴ Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. – Тошкент, 2006. – Б. 4-9.

³⁵ Веселовский Н. И. Отчет о работах в Средней Азии в 1884-1885 гг. // ОАК за 1882-1888 гг. – Санкт-Петербург, 1891. – С. 61-80.

³⁶ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. Т. 1. – Москва, 1963. – С. 212-222.

³⁷ Бернштам А. Н. Древняя Фергана (Научно-популярный очерк). – Тошкент, 1951. С. 22-26; Смирнова О.И. Очерки из истории Согды. – Москва, 1970; Заднепровский Ю. А. Древняя Фергана. Автореф. дис. канд. ист. наук. – Ленинград., 1954; Брыкина Г. А, Горбунова Н. Г. Фергана // Археология. Средняя Азия в раннем средневековье. – Москва., 1999; Асқаров А. А. Қадимги Фарғона тарихидан лавҳалар // Археология и история Центральной Азии. К 70-летию со дня рождения академика АНРУз Ю. Ф. Бурякова. – Самарканд, 2004. – С. 27-28; Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. – Тошкент, 2013; Babayar G. Fergane

А. Асқаров Фарғона водийсининг ўзбек этноси шаклланишидаги ўрнига эътибор қаратиб, хоқонлик даврида Фарғонанинг ўрнини алоҳида ёритган³⁸. А. Анарбоев Ахсикент шаҳри харобаларида олиб борган изланишлари натижасида қазилмаларда кўлга киритилган кўплаб моддий ашёларга таянган³⁹. Б.Х. Матбобоев эса Баландтепа / Мунчоктепа (Поп) ва Муғтепа (Косон) ёдгорликлари бўйича изланишлар олиб борган⁴⁰. Т.Ш. Ширинов, Б.Х. Матбобоев ва Г.П. Ивановлар томонидан чоп этилган “Ал-Фарғоний даврида Қубо шаҳри” номли рисолада водийнинг илк ўрта асрлар тарихи билан боғлиқ кўплаб масалалар кўриб чиқилган⁴¹. Г.П. Иванов Қувадан кўплаб моддий материаллар топган бўлиб, улар орасида қадимги турк-рун ёзувидаги сопол парчалари ва нумизматик материаллар алоҳида ажралиб туради⁴². А. Зиё ўз тадқиқотларида Ашиналийлар сулоласининг тарихини бирмунча кенг ёритган⁴³. А. Хўжаев хитой манбаларидан Фарғона водийсига тегишли қисмларини ўзбекчага таржима қилиш мобайнида кенг илмий шарҳлар бериб ўтган⁴⁴. А. Маликов қадимги туркларбилан боғлиқ Фарғона археологик материалларига тўхталиб, уларни ёзма манба маълумотлар билан солиштириб чиққан⁴⁵. Л.С. Баратова ўзининг кўп йиллик изланишлари натижасида Турк хоқонлиги даврида водийда асосан қадимги туркий тангалар зарб этилгани, уларнинг сезиларли бир қисмини суғдий ёзуви “хоқон” унвонли тангалар ташкил этишини аниқлаган⁴⁶. А. Отахўжаев турк-суғд муносабатларига тўхталиб, бу жараёнда Турк хоқонлиги даврининг ўзига хос ўрни борлигини кўрсатиб берган⁴⁷. Ашиналийлар сулоласи бўйича изланишлар олиб борган Ғ. Бобоёров хоқонликнинг вассаллар бошқарув тизими, улар орасидаги муносабатларга тўхталган⁴⁸.

Бу давр Фарғона тарихини хитой манбалари асосида ёритган Э. Шаванн Фарғонада туркий бошқарув мавжуд бўлганини ёзган бўлса⁴⁹, кейинчалик Й. Маркварт, К.Э. Босворт, К. Беквис, Ф. Грене, Э. де ла Вессьер, З. Штарк,

bölgesinde bulunan Türk-Runik yazılı Köktürk sikkeleri üzerine // Dünden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. – İstanbul, 2008. – S. 135-146; Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. – Фарғона, 2013; Абдуллаев Б. Қадимий Фарғона урбанизациясининг айрим хусусиятлари // Водийнома, 2016, № 2. – Тошкент, 2016. – Б. 25-32.

³⁸ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: О‘zbekiston, 2015.

³⁹ Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. – Тошкент, 2013.

⁴⁰ Матбабаев Б. Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Тошкент: Tafakkur, 2009. – С. 91; Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. – Тошкент, 2006.

⁴¹ Ширинов Т. Ш., Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П. Аҳмад ал-Фарғоний даврида Қубо шаҳри. – Тошкент, 1998. – Б. 78, 80.

⁴² Иванов Г. П. Куvasайский могильник VII – VIII вв. // СА, 1991, №3. – С. 262-266.

⁴³ Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 80-90.

⁴⁴ Хўжаев А. Шин Тангшу (“Тан сулоласининг янги тарихи”)дан / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 25-29.

⁴⁵ Маликов А. Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI–VIII вв. (по археологическим и письменным источникам): Автореф. дис...канд. ист. наук. – Самарканд: ИААН РУз, 2000.

⁴⁶ Баратова Л. С. К исторической интерпретации титула «каган» на древнетюркских монетах Средней Азии конца VII – первой половины VIII вв. // НЦА. – Ташкент, 1998. – Вып. III. – С. 41-43.

⁴⁷ Отахўжаев А. Хитой манбаларида туркий ва суғдий умумийлик ҳақида // «Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик» «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида этнологларнинг V Республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент., 2010. – Б. 74–80.

⁴⁸ Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлиги Ашина сулоласининг Фарғонадаги тармоғи тарихига доир // О‘zbekiston tarixi, №3, 2019. – Б. 3-19.

⁴⁹ Chavannes E. Documents sur les ... – P. 148-149.

Ж.К. Скэфф сингари европалик ва америкалик тадқиқотчилар Фарғонани бошқарган сулолалар масаласига бирмунча тўхталишган⁵⁰. Ф. Грене, ва Э. де ла Весьерлар турк хоқонлари ва Фарғона ҳукмдорлари орасидаги сиёсий иттифоқ, араб истилосига қарши курашда Турк хоқонлиги – Суғд – Чоч – Фарғона ҳукмдорларининг кўрсатган ташаббуслари суғдий ҳужжатлар, хитой ва араб ва форс манбалари асосида таҳлил қилинган⁵¹. Ж.К. Скэфф Турк хоқонлиги билан Шарқий Туркистон ва Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа ҳукмдорликлари орасидаги сюзерен ва вассаллик муносабатларини ўрганган ушбу тадқиқотчи Турк хоқонлигининг, яъни Ашиналийлар сулоласининг Фарғонада тўғридан-тўғри бошқарувни йўлга қўйганлиги, яъни хоқонлик Ашина сулоласи вакиллари водийга юбориб, улар орқали бу ерни назоратда тутган, деган тўхтамга келади⁵². З. Штарк қадимги туркийлар тарихини асосан археологик материалларга суяниб ёритиб, Фарғона водийсида туркий элатларнинг ўрни, Турк хоқонлиги томонидан Фарғона бошқарувида қўлланилган усуллар, Фарғонада Ашиналийлар хонадони бошқарувини бирмунча кенг ёритган⁵³.

Диссертациянинг иккинчи боби “*Фарғона водийси Ашиналийлар сулоласи таркибида*” масалаларига бағишланган. 1- параграфида “*Илк ўрта асрларда Фарғона водийсидаги сиёсий ҳолат*” таҳлили ўз аксини топган. VII– VIII асрларда Фарғона ҳукмдорлиги минтақа сиёсий ҳаётида фаол роль ўйнаганлиги хитой, суғдий, араб ва форс манбалари асосида ўз тасдиғини топган⁵⁴. Фарғона водийсининг Турк хоқонлиги таркибига киритилиши 560-йилларга тўғри келиб, ўша йилларда водий Эфталитлар давлатига қисман қарам бўлган алоҳида воҳа ҳукмдорлиги эди⁵⁵. 552 йилда Олтой тоғларининг жануби-ғарбий этакларида ташкил топган Турк хоқонлиги 560 - йилларнинг ўрталарида Чоч воҳасида - Сирдарё қирғоқларида Эфталитлар давлатига зарба бергач⁵⁶, Чоч, Уструшона, Бухоро, Суғд (Самарқанд, Кеш, Нахшаб ва б.) воҳа ҳукмдорликлари каби Фарғона ҳам хоқонлик қўл остига ўтган. Ашиналийлар сулоласининг Ғарбий ўлкаларидаги қисми (Еттисув, Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи)ни ўз ичига олган қаноти бирмунча мустақилсиёсат юритган Фарғона водийси ҳам ушбу Ғарбий қанот (яъни Ғарбий Турк хоқонлиги – 568-740 йиллар) таркибида бўлган⁵⁷.

Исломдан олдинги Фарғона ҳукмдорлигини бошқарган сулолалар, улар эга бўлган унвон ва эпитет (нисба)лар бўйича хитой йилномаларида қуйидагича қисқа маълумотлар учрайди: «*Чжэн-гуан даври (627-649*

⁵⁰ Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // The Turks, 2. – Ankara, 2002. – P. 364-372; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days ... – P. 157, 167-170.

⁵¹ Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent... – P. 155–196.

⁵² Skaff K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries ... – P. 364-366.

⁵³ Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. – Wiesbaden, 2008. – S. 221-223, 225.

⁵⁴ Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. – Фарғона, 2013; Материалы по истории киргизов и Киргизии. – Вып. 1. – М., 1973.

⁵⁵ Анорбоев А., Исломов У., Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. – Тошкент, 2001. – Б. 56.

⁵⁶ Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений ... I. – С. 229.

⁵⁷ Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, 2012. – Б. 42

йиллар)да Кан Мохэду (*Тўн Баҳодур) ҳукмдор Кибини ўлдирди, Ашина Шуни унинг шахрини қўлга киритди. Шуни ўлгандан сўнг унинг ўғли Эбочжи (марҳум) Кибининг укасига ҳукмдор унвонини бериб, Хумин (Қува?) шахрида бошқарувга тайинлади, Эбочжи Кэсай (Косон) шахрида бошқарувга ўтирди. ... (Ушбу даврнинг) 3-йили (658 й.)да Кэсай шахри “Сюшюн вилояти” деб аталди ва унга бош ҳарбий амалдор (хит. ду-ду, эски туркча “тутук”) Аляоцан ҳоким (ци-ши) қилиб тайинланди” (“Син Тан-шу”)⁵⁸.

VIII аср бошларида ёзилган Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан 2 таси – А-14 ва В-17 да *βry'nk MLK* “Фарғона ҳукмдори”, *βry'nk twttk* “Фарғона тутуғи” тўғрисида сўз боради⁵⁹. IX–XII асрларга тегишли араб ва форс манбаларидан эса “ихшид” Фарғонанинг бош сулоласи унвони бўлгани англашилади. X асрда яшаган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хоразмий ўз асари “Мафотих ал-улум” (“Илмлар калити”)да қўйидагича ёзади: “Ихшид – Фарғона ҳукмдорларининг исми, иерархия бўйича ундан кейингилари *الصوارتكين* (Свор-Тегин / Чўр-Тегин) деб аталади”⁶⁰. Шунингдек, Ибн Халликон ўз асари “Вафоёт ал-аён ва анбау ал-замон”да IX аср илк ярмида Самарра ёки Бағдодда ҳарбий бошлиқлардан бўлиб, келиб чиқиши Фарғона Ихшидийларидан бўлган Чуфф (Чук) ибн Йал-Тегин тўғрисида *aşluhu min awlād mulūk Farḡāna* “асли Фарғона ҳукмдорлари авлодидан” деб ёзади⁶¹. Хитой, араб ва форс манбаларидан эса “чўр” унвони Фарғона бошқарувчиларидан бир қанчасининг унвони бўлгани англашилади⁶².

Чоч, Суғд ҳукмдорликларидан фарқли ўлароқ Фарғона тангаларида “хоқон”дан бошқа унвон учрамайди. Айниқса, “ихшид” ёки унга тенглаштириш мумкин бўлган бирор унвонга Фарғона тангаларида дуч келмаймиз. Демак, VI аср 60-йилларида Фарғона Турк хоқонлиги қўл остига ўтгач то VII асрнинг биринчи чорагигача улар хоқонликка бўйсунувчи бош сулола сифатида ўз бошқарувини давом эттиради. “Тан-шу” йилномасидан келтириб ўтилганидек “Кан Мохэду (*Тўн Баҳодур) ҳукмдор Кибини ўлдирди, Ашина Шуни унинг шахрини қўлга киритди ... унинг ўғли Эбочжи (марҳум) Кибининг укасига ҳукмдор унвонини бериб, Хумин (Қува?) шахрида бошқарувга тайинлади, Эбочжи Кэсай (Косон) шахрида бошқарувга ўтирди” мазмунидаги маълумотдан водий бошқарувида ўзгариш бўлгани, ерли сулола ўрнини келиб чиқиши Ашина сулоласига тақалувчи шахс қўлга киритгани аён бўлади. Айрим тадқиқотчилар Кан Мохэду (*Тўн Баҳодур) Фарғонада Кибини ўлдиргач, водийдаги бошқарувни эгаллаган Ашена Шуни исмидан келиб чиқиб, унинг Ашиналийлар бошқарувчи сулоласи – Ашина хонадонидан эканини, яъни шахзода бўлганини олға сурадилар⁶³. Буни унинг Фарғонани эгаллаши айнан Тўн Баҳодур хоқон фаолияти билан боғлиқлиги

⁵⁸ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... II. С. 319; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах... С. 188-189; Хўжаев А. Шин Тангшу ... – Б. 27-28.

⁵⁹ Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent... P. 167-168.

⁶⁰ Bosworth C. E., Clauson G. Al-Xwārazmī on the Peoples of Central Asia // JRAS, 1965. – №. 1/2. – P. 6-7; Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. –Тошкент, 2009. № 14. – С. 114.

⁶¹ Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien... S. 223; Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлиги... Б. 3-6

⁶² Бичурин Н. Я. Собрание сведений ... II. – С. 319; Смирнова О. И. Очерки из истории Согда... С. 256.

⁶³ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue... P. 148.

хам кўрсатиб турибди. Йилномада келтирилганидек, Эбочжи бошқарувни кўлга олгач, ўзи *Гйесай* (Косон) шахрида ўринлашиб, ерли сулола вакили Аляоцанни *Хумин* (Куба?)да бошқарувга тайинлагач, 656 йилда Хитойга совға-саломлар билан элчи юборган⁶⁴. Эбочжининг Фарғона бошқарувчиси сифатида Хитойга элчи юборгани бу ерда хоқонлик билан тўғридан-тўғри боғлиқ бошқарув ўрнатилганини кўрсатади.

Келиб чиқиши фарғоналик аслзода турклардан бўлган Миср Ихшидийлари сулоласи (935-969) бошқарувчиларининг исми араб манбаларида учраб, улардан кўпчилиги туркий негизлидир⁶⁵. Ибн Ҳалликоннинг “Вафоёт ал-аъён ва анбау ал-замон” асарида улардан бирининг тўлиқ шажараси берилган: *Туғуч ибн Чуқ ибн Йел-тегин Ахшид ибн Фурон (Бўрон) ибн Фури (Бўри) ибн Хогон (Хоқон) ал-Фарғоний*⁶⁶. Айрим тадқиқотчилар ушбу шажарада *эл-те-гин*, *хоқон* каби унвон, Туғуч, Чуқ, Бўрон, Бўри сингари туркий исмлар учра-шига, шунингдек, араб тарихчилари ҳам Миср Ихшидийларини туркий деб кўрсатганига таяниб⁶⁷, ушбу сулолани Турк хоқонлиги билан боғлайдилар.

Хитой йилномалари, суғдий хужжатлар, араб ва форс тилидаги тарихий асарлардан келтирилган ушбу маълумотлардан кўринадики, ислом дини кириб келишидан олдин Фарғона водийсида бир неча сулола бошқаруви мавжуд бўлиб, улар орасида 2 та сулола – Фарғона Ихшидийлари ва Ашина сулоласи етакчилик қилишган. Бу давр Фарғона тангаларининг кўпчилиги “хоқон” унвонли тангалар экани, 650- йиллар ўртасида Хитойга элчи юборган ҳукмдорнинг бу хонадондан бўлгани буни тасдиқлайди. Фарғона тангаларининг деярли барча турларида хоқонликка хос тамға ўрин олганини ҳам кўзда тутиш керак бўлади (𐰽 / 𐰺, 𐰾, 𐰼)⁶⁸.

Хоқонлик ва Фарғона ўртасидаги муносабатлар асосан Ғарбий Ашиналийлар сулоласи доирасида олиб борилади. Ғарбий Турк хоқонлиги давлатининг бош сиёсий маркази Еттисувдаги Суёб шахри эди. Еттисув ўлкаси эса бевосита Фарғона водийси билан чегарадош бўлган⁶⁹. Бу эса бошқа вассалларга қараганда Фарғона ва Ғарбий Ашиналийлар орасида муносабатлар янада тиғизроқ бўлишига замин яратар эди. Шунингдек, Ғарбий Ашиналийлар сулоласи бошқарув марказларидан бири Чоч воҳасида барпо этилган бўлиб⁷⁰, унинг Фарғонага яқин жойлашганлиги ҳам водийда хоқонлик таъсири юқори бўлишини таъминларди. 738 йилда Талас водийсида Фарғона ҳукмдори Арслон Тархон-чўр, Чоч ва Кеш сингари етакчи сиёсий кучларнинг ёрдами билан Тургаш хоқонини мағлуб этилади⁷¹.

⁶⁴ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... II. – С. 319.

⁶⁵ Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлиги Ашина сулоласининг Фарғонадаги тармоғи тарихига доир ... – Б. 3-6.

⁶⁶ Togan Z. V. Umumi Türk Tarihine Giriş. 3. Baskı. – Istanbul, 1981. – S. 178-179; Камолиддин Ш. Саманиды. Из истории государственности Узбекистана / LAMBERT Academic Publishing. – Saarbrücken, 2012. – С. 21.

⁶⁷ Bosworth С.Е. The Turks in the early İslam Lands up to the Mid.-11th Century // The Turks in the early İslam world / edited by С.Е. Bosworth. Ashgate Variorum, 2006. – P. 11.

⁶⁸ Бабаяров Г. Фергана – как один из центров чекана монет Западно-Тюркского каганата // ИМКУ. – Самарканд, 2019. – Вып. 40. – С. 126-130.

⁶⁹ Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 258, 284

⁷⁰ Хатамова М. Турк хоқонларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабғукат ва Хотункат // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2009. – №1. – С. 3–13.

⁷¹ Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар ... Б. 44-4; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi... – S. 122.

715 йилда Кутайба ибн Муслим бошчилигида араб қўшинлари Фарғонага юриш қилган. Фарғона хукмдори араб қўшинларидан енгилгач, Куча (Шарқий Туркистон)га қочиб, бориб Тан императорига қарам вассаларидан ёрдам сўраган. Араблар эса Фарғона бошқарувига Алутар (الطار, Алтар, хит. *Аляода*)ни ноиб қилиб тайинлайди⁷². Орадан 10 йилча вақт ўтиб, 726 йилда хитой сайёҳи Хой Чао (726) Фарғонада 2 та ҳокимият: бири Сирдарёнинг шимолида *тукюе* (турк)лар бошқарувида, иккинчиси жанубида *даши* (араб)ларга бўйсунувчи бошқарув борлигини эслатиб ўтади⁷³.

Фарғонани 720/738-751 йиллар давомида бошқарган Асилань дагань-чжу (*Арслон тархон-чўр)⁷⁴ 739 йилда Талас водийсига юриш қилиб, бу ерда Ашиналийлар сулоласи ўрнини эгаллаган тургаш хоқони *Тухосян Гучжо* (*Қут-чўр)га қарши кучлар билан бирга уни тор-мор қилади⁷⁵. О.И. Смирнова 720-йилларда Фарғонани бошқарган Алту-чўрни туркий деб қараб, у ва унинг ўғли исмида туркий *жўр/чўр* (𐰽𐰺𐰽) унвони учраши, бу эса уни туркий бўлган, дейишга имкон беришини ёзади⁷⁶. Табарий ўзасарида қароргоҳи Исфарада жойлашган Фарғона тахт вориси Балаза ҳақида ёзиб, у кейинчалик Фарғона хукмдори бўлган Жўрнинг отаси эканига урғу беради⁷⁷. Араб манбаларида Аббосийлар қўшинида хизмат қилган туркий қўмондонлардан Билга-чўр ал-Фарғоний (860- йй.) ва Мангу-чўр ал-Фарғоний кабилар тилга олинади⁷⁸. Фарғонада “чўр” унвони кенг тарқалиши Турк хоқонлиги билан боғлиқ кечган. 716 йилда Шарқий Турк хоқонлиги бошқарувини эгаллаган Қапаған хоқон (692-716) *Бек-чўр / Бугу-чўр* (хит. Мо-чжо) унвонига эга эди⁷⁹. Шарқий Турк хоқонлиги сўнгги йилларда ҳам унинг Фарғона билан яқин муносабатлари сақланиб қолади⁸⁰.

Иккинчи боб 2-параграфи “*Фарғона водийсидаги маҳаллий сулолалар ва уларнинг бошқарув марказлари*” деб номланади. Фарғона водийсининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, хукмдор сулолалар, қўшин миқдори, пойтахти ва маъмурий марказлари тўғрисида нисбатан изчил маълумотлар асосан хитой йилномаларида сақланиб қолган. VI–VIII асрларда водийни бошқарган хукмдорлардан қарийб 10 нафарининг исми ва бошқарув йиллари хронологиясини О.И. Смирнова, тахминан қуйидагича келтиради⁸¹:

1. Киби – 600-620 йй.; 2. Ашина Шуни – ваф. 627 й.(аслида 630- йй. – *диссертант*); 3. Эбочжи – 620 / 640-660 йй. (Косон шаҳрида); 4. Аляоцан (Алучан) – 620 / 640-660 йй. (Хумин ва Косон шаҳарларида); 5. Аляода (Алутар) – 700 / 720-740 йй.; Арслон Тархон (аслида Арслон Тархон-чўр)– 720/740-751 йй.

⁷² Смирнова О. И. Очерки из истории Согда... С. 255.

⁷³ Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) ... – С. 193.

⁷⁴ Бичурин Н. Я. Собрание сведений ... II. – С. 319; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue ... – P. 149.

⁷⁵ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... II. – С. 319.

⁷⁶ Смирнова О. И. Очерки из истории Согда... – С. 256.

⁷⁷ История ат-Табари... С. 185.

⁷⁸ Sümer F. Türk Devletleri Tarihinde Şahis Adları. I. – İstanbul, 1999. – С. II. – S. 483, 492.

⁷⁹ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... I. – С. 295-296; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. – İstanbul: Selenge, 2007. – S. 115.

⁸⁰ Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri. – İstanbul, 2006. – S. 318, 542.

⁸¹ Смирнова О. И. Очерки из истории Согда ... С. 285-286.

Ат-Табарий асарида араб истилоси арафасида Фарғонадаги 5 та шаҳар тилга олинади: Хўжанд, Косон, Боб (Поп), Қубо ва Фарғона. Ушбу воқеликлар VIII аср бошларига тўғри келиб, маълумотлар мазмунидан Фарғона водийсининг пойтахти “Фарғона” деб номлангани англашилади⁸².

А. Анарбоев бу даврда водийда конфедератив давлат мавжуд бўлгани, хитойликлар айтиб ўтган 6 та йирик шаҳар водийдаги 6 нафар ҳукмдорлик бўлган, деган фикрга имкон беришини таъкидлайди. Тадқиқотчига кўра, ушбу 6 та шаҳарнинг ҳар бири бирор ҳукмдорликнинг пойтахти бўлиб, йилномаларда улардан фақатгина учтасининг - *Гесай* (Косон), *Хумин* (Кува), *Сигян* (Ахсикент) номи келтирилган. Шунингдек, археологик материалларга асосланиб улар қаторига яна учта шаҳар – Қўқон (Тепакўрғон), Поп (Баландтепа) ва Ўш (Оқбура)ни қўшиш учун мумкин⁸³.

Ахсикент. Бир қатор археологлар Ахсикент Турк хоқонлиги даврида гуллаб-яшнаганига урғу беришади⁸⁴. Хитой манбаларида *Сигян* (бугунги Эски Ахсикент) пойтахт деб кўрсатилади⁸⁵. Ёзма манбаларда қадимги “Фарғона шаҳри” ҳам қайд этилиб, А.А. Анарбоев, А.А. Асқаров каби олимлар уни Ахсикат харобалари билан боғлайдилар⁸⁶. IX–XII аср араб географлари асарларида Фарғона водийсида 40 та шаҳар бўлгани, пойтахти Ахсикат экани, унинг айланаси 3 фарсахдан кам эмаслиги эслаб ўтилади⁸⁷.

“Син Тан-шу” (“Янги Тан сулоласи тарихи”) номли хитой йилномасида Фарғона ҳукмдори *Чжэнчжу-хэ* (Сирдарё) шимолидаги *Сигян* (Ахсикент) шаҳрида ўтиргани қайд этилиши диққатни ўзига тортади. VII аср илк чорагигача Ахсикент Фарғона водийсининг асосий бошқарув маркази - пойтахт бўлган, Ғарбий турк хоқонлари фаолияти натижасида бу ер бир муддат ўз мавқеини сақлаб, хоқонлик вакиллари – Фарғона Ашина сулоласи учун ҳам бошқарув маркази вазифасини ўтай бошлаган, орадан кўп ўтмай эса ўрнини Косон шаҳри олган⁸⁸. А. Анарбоевга кўра, VIII аср – IX асрнинг биринчи ярмида ҳозирги Эски Ахси ёдгорлиги Фарғона ёки Фарағона деб аталган, IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса Ахсикет (Ахсикент) деб номлана бошлаган⁸⁹. Тадқиқотчининг бу қарашига қўшилган ҳолда шуни айтиб ўтиш керакки, бу ер анча олдинроқ, яъни VII–VIII асрлар оралиғида ҳам гоҳ Ахсикет, гоҳ Фарғона деб юритилаверган кўринади.

Косон. Фарғона водийсидаги Муғқўрғон ёки Муғқалъа деб номланадиган шаҳар харобаси билан тенглаштириладиган Косон шаҳри бугунги кундаги Косонсой шаҳрига тўғри келади. В.В. Бартольдга кўра, бу ер илк ўрта асрларда Фарғона ихшидларининг пойтахти бўлган⁹⁰. Айрим тадқиқотчилар

⁸² История ат-Табари. Избранные отрывки ... С. 143, 159, 251, 269-270; Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы ... – С. 24.

⁸³ Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы ... С. 489.

⁸⁴ Анарбаев А. Фарғонанинг антик ва ўрта асрлар маданияти ... Б. 73.

⁸⁵ Бартольд В.В. Статьи из энциклопедии ислама // Соч. Т. 3. – Москва, 1965. – С. 529.

⁸⁶ Анарбаев А. Средневековые города Ферганы ... С.110-113; Асқаров А.А. Ўзбекдавлатчилиги... 13-25-б.

⁸⁷ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. Т. 1. – Москва, 1963. – С. 220.

⁸⁸ Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. – Москва, 1952. № 1. – С. 193.

⁸⁹ Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы ... С. 485.

⁹⁰ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. 1. – Москва, 1963. – С. 219.

фикрича, Косон VIII аср бошларида Фарғонанинг пойтахтига айланган⁹¹. Баъзи тадқиқотчиларга кўра, Шимолий Фарғонадаги туркий сулоланинг маркази Косон шаҳри (*хит.* Кесай) ҳисобланган⁹².

Ашина Шуни ўлгандан сўнг унинг ўғли *Эбочжи* (марҳум) Кибининг укасига ҳукмдор унвонини бериб, *Хумин* (Кува?) шаҳрида бошқарувга тайинлайди, *Эбочжининг* ўзи эса *Кесай* (Косон) шаҳрида бошқарувга ўтиради⁹³. 658 йилда Кэсай (Косон) шаҳри хитойликлар томонидан “Сю-шюн (Хюсюн) вилояти” деб аталиб, унга бош ҳарбий амалдор *Аляоцан* ҳоким (*ци-ши*) қилиб тайинланади⁹⁴. Демак, 658 йилда Косон яна бир карра Фарғона водийсининг асосий бошқарув марказига айланиб, энди бу ерда Ашина хонадони вакиллари эмас, аксинча, водийнинг қадимий маҳаллий сулолаларидан бири ўтиради. Бироқ бу вазият узоқ давом этмайди. Фарғонадаги Ашина сулоласи яна ўз мавқеини тиклаб, бутун водийда ўз ҳокимиятини ўрнатиб, бошқа ҳукмдорликларга устунлик қила бошлайди⁹⁵.

VIII асрнинг бошларида водийда юз берган сиёсий воқеликлар Фарғона Ашина сулоласининг бошқарув маркази яна Косонда бўлган, деб тахмин қилишга имкон беради. Хусусан, Хой Чао (726) тилга олган Сирдарёнинг шимолида *тукюе* (турк)лар бошқаруви, жанубида эса *даши* (араб)ларга бўйсунувчи бошқарув бўлган⁹⁶. 715 йилда Қутайба ибн Муслим бошчилигида араб кўшинлари Фарғонага юриш қилган, бу ернинг бошқарувчиси енгилгач, Куча (Шарқий Туркистон)га қочиб, ёрдам сўраган, араблар эса Фарғона бошқарувига Алтар (*Аляода*) исмли бир кишини ноиб қилиб тайинлаб қайтган эди⁹⁷. Сирдарё шимолида Косон шаҳри жойлашган бўлиб, 750- йилларда араблар яна бир бор водийни бўйсундириш учун келганларида ҳам бу ерда туркий ҳукмдорлар бошқаруви мавжуд эди⁹⁸.

Кува. Табарий ва Балъамий Кува (Кубо)ни тахт ворисининг қароргоҳи сифатида келтириб ўтган⁹⁹. Ал-Муқаддасий бу ерни Ахсикентдан чиройлироқ ва обод шаҳар, деб ёзса¹⁰⁰, Истахрий (X аср) “*Кубо катталиги жиҳатидан Ахсикентга тенг*”, деб айтиб ўтади¹⁰¹. Кубо Фарғонада иккинчи ёки учинчи йирик пойтахт шаҳар бўлиб, айрим тадқиқотчилар Ахсикентдан кейинги иккинчи йирик шаҳар деса, айримлар Косондан кейин деб билишади¹⁰². Хитой манбаларида водий жанубида жойлашган Хумин шаҳрида ҳукмдор

⁹¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия ... С. 219.

⁹² Анорбоев А. Касан – город-ставка, лагерь-крепость // Фарғона қадим ва ўрта асрларда. – Самарқанд, 1994; Stark S. Die Alttürken zeitin Mittel- und Zentralasien. – Wiesbaden, 2008. – P. 222.

⁹³ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... II. С. 319; Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск: Наука, 1989. С. 188-189; Хўжаев А. Шин Тангшу ... Б. 27-28.

⁹⁴ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... II. С. 319; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue ... P. 148; Таşаgıл А. Gök-Türkler. II. – Ankara: TTK, 1999. – S. 83.

⁹⁵ Бобоёрв Ф. Фарбий Турк хоқонлиги Ашина сулоласининг Фарғонадаги тармоғи тарихига доир ... Б. 3-17.

⁹⁶ Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) ... С. 193.

⁹⁷ Смирнова О. И. Очерки из истории Согда... С. 255.

⁹⁸ Муминов А. К. Кокандская версия исламизации Туркестана / Подвижники ислама. Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. – Москва: Изд. Восточная библиотека РАН, 2004. – С. 140.

⁹⁹ Ширинов Т. Ш., Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П. Ахмад ал-Фарғоний даврида Кубо шаҳри ... Б. 27.

¹⁰⁰ Камолиддин Ш. Ас-Самани, Абу Са’д ‘Абд ал-Карим и его труд «Китаб ал-Ансаб ... С. 252.

¹⁰¹ Ширинов Т. Ш., Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П. Ахмад ал-Фарғоний даврида Кубо шаҳри ... Б. 27.

¹⁰² Камолиддин Ш. Ас-Самани, Абу Са’д ‘Абд ал-Карим и его труд «Китаб ал-Ансаб ... С. 252.

яшагани эслатиб ўтилади¹⁰³. Йилномалардаги Хумин шахрининг ўрни борасида аниқ фикрлар йўқ бўлиб, бу шаҳар қадимги Қува (Қубо) билан тенгаштирилмоқда¹⁰⁴. М. Хатамованинг ёзишича, илк ўрта асрларда Фарғонанинг маҳаллий ва туркий сулолалари қуйидагича маъмурий-сиёсий марказлардан иборат бўлиб, маҳаллий Ихшидийлар Ахсикат ва хоқонлик вакиллари Косонда, хоқонлик ноиблари - тутуқлар эса Қува (*хит.* Хумин)да туриб водийни бошқарган бўлиши мумкин¹⁰⁵.

Қува шаҳри харобасидан қадимги турк-рун ва суғдий ёзувли бир томонида туркий қиёфадаги ҳукмдор тасвири ҳамда унинг ўнг ва чап ёнида қадимги турк-рун ёзуви, тескари томонида эса тамға ва унинг айланасида суғдий ёзув ўрин олган 2 та мис танга топилган бўлиб, Ғ. Бобоёров Қувани хоқонликка алоқадор туркий сулоланинг асосий марказларидан бири бўлган, деб санайди¹⁰⁶. Фарғона водийсида топилган қадимги турк-рун битикларининг сезиларли бир қисми Қувадан топилиши бу ер хоқонлик даврида бошқарув марказларидан бири бўлганини кўрсатади.

Ўзганд. Хитой йилномаларида Довон давридаги пойтахт шаҳарлардан бири сифатида тилга олинган *Ю-чен* Ўзганд шаҳри билан тенглаштирилади. Бугунги Ўзган шаҳридан 8 км шимоли-ғарбда Шўрабашат шаҳар қолдиғи ҳам сақланган бўлиб, у қадимги *Ю-чен* билан тенглаштирилади¹⁰⁷.

Араб ва форс тилли географларнинг (IX-XII асрлар) асарларида Ўзганднинг Чўр-тегин (IX аср) исмли ҳукмдори тўғрисида сўз бориб, В.В. Бартольд уни туркий ҳукмдор, деб санайди. Унинг ёзишича, Ўзганд ва тоғ довлари орасидаги мавзелардан бири “Дехқон Чўр-тегин” деб номланган¹⁰⁸. VII–IX аср оралиғида Фарғона ҳукмдорларидан бир нечасининг исмисифатида ушбу қўшалок унвон учрайдики, бу эса “Фарғона водийсида Ашина хонадони бош сулола бўлган, қолган ҳукмдорликлар эса унга бўйсунган, шу туфайли водий бошқаруви билан боғлиқ манбаларда “Чўр” ёки “Чўр-тегин” унвонлари кўп учрайди” деб ҳисоблашга ундайди.

Исфара. Ўзининг табиий географик ўрнига кўра Исфара Ўзгандга ўхшаб Фарғона водийсининг тоғлик ҳудудида жойлашган эди. Қутайба ибн Муслим Фарғона водийсини эгаллаган 714 йилда Исфарада ўз ноибини қолдириб, у орқали Фарғонада араб ҳокимиятининг назоратини ўрнатган эди¹⁰⁹.

Иккинчи бобнинг сўнгги параграфи “*Фарғона водийсида арабларбосқини ва бошқарувда ўзгарилар*” деб номланади. Фарғона водийсида араблар босқини тарихини ёритувчи ёзма маълумотлар асосан хитой йилномалари ҳамда араб ва форс тилли тарихий ва географик асарларда, қисман эса суғдий ҳужжатларда ўрин олган¹¹⁰. Сўнгги ўрта асрларда Қўқон

¹⁰³ Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... II. – С. 319.

¹⁰⁴ Ширинов Т. Ш., Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П. Аҳмад ал-Фарғоний даврида Кубо шаҳри ... Б. 28.

¹⁰⁵ Хатамова М. Фарғонадаги туркий сулола // «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзуидаги III республика илмий-амалий анжумани. Фарғона, 30 май, 2014 йил. – Фарғона, 2014. – Б. 81-87.

¹⁰⁶ Babayar G. Fergane bölgesinde bulunan Türk-Runik yazılı Köktürk sikkeleri üzerine // Dünden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. – İstanbul, 2008. – S. 135-146.

¹⁰⁷ Камолитдин Ш. Ас-Самани, Абу Са’д ‘Абд ал-Карим и его труд «Китаб ал-Ансаб ... С. 257.

¹⁰⁸ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. Т. 1. – Москва, 1963. – С. 213.

¹⁰⁹ Смирнова О. И. Очерки из истории Согды ... С. 242.

¹¹⁰ Кляшторный С. Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов (по руническим текстам) //

хонлиги тарихчилари хонлик тарихини баён қилар экан қисқача бўлса-да, илк ўрта асрлар даври воқеликларига тўхтаб ўтишган. Бу масалани ёритиш учун улар ўз даврида мавжуд қўлёзма асарлар билан биргаликда ерли аҳоли орасида зуқ-юлуқ бўлса-да сақланиб келаётган ривоятларга ҳам суянганлар. Хой Чао (726) эсдаликларида учрайдиган маълумотни “Насабнома”даги маълумотлар билан солиштирилса масала янада ойдинлашади. Ушбу хитой сайёҳи Фарғонада 2 та ҳокимият борлиги, бири Сирдарёнинг шимолида *тукюе* (турк)лар бошқаруви, жанубида эса *даши* (араб)ларга бўйсунувчи бошқарув борлигини эслатиб ўтади¹¹¹. Демак, у келган пайтда Сирдарёнинг шимолида турклар, жанубида арабларга қарам бошқарув бўлиб, шимолдагиси Ашина сулоласи, жанубдагиси эса Фарғонанинг маҳаллий бошқарувчи хонадони вакиллари бўлишган¹¹².

Диссертациянинг учинчи боби “*Ашиналийлар даврида Фарғона водийсидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва этномаданий жараёнлар*” деб номланиб, унинг “*Ашиналийлар даврида Фарғона водийсида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт*” номли 1- параграфида ёзма манбалар ва археологик материаллар асосида илк ўрта асрларда Фарғона водийсидаги ижтимоий ва иқтисодий аҳоли кўриб чиқилди.

Бу даврда Фарғонада нафақат фаол сиёсий жараёнлар юз берди, балки бу жараёнлар водийнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар бўлган давр сифатида тарихда қолди. Айниқса, қарийб 150 йил давом этган Ашиналийлар – Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврида Фарғона ижтимоий-сиёсий ҳаётида қадимдан давом этиб келаётган анъаналар бу ерда туркий қатлам нуфусининг ортиши натижасида янада хилма-хиллик касб эта бошлади. Бошқарувда қадимги турк-рун ёзуви билан бирга суғдий ёзувнинг ҳам қўлланилиши бунинг ёрқин далилидир¹¹³. Гарчи Фарғонанинг қадимги маҳаллий аҳолиси суғдий тилда сўзлашмаган бўлса-да, водийдаги бош сулола – Ашина сулоласи тангаларининг бошланғичда қадимги турк-рун¹¹⁴ ва суғдий ёзувда бостирилиши, кейинчалик бундай тангаларнинг фақатгина суғдий ёзувда зарб қилина бошлаши водийда ушбу тил ва ёзувнинг кенг қўлланилганидан дарак беради.

Марказий Осиёдаги бошқа ҳукмдорликларга қараганда Фарғона водийсидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволдан яхши хабардор бўлган хитойликлар водий билан яқин алоқалар ўрнатишга уринган. Турк хоқонлиги даврида Фарғона – Хитой орасида ўнлаб ўзаро элчи юбориш ишларининг амалга оширилгани бундан дарак бериб турибди. Хитой Фарғона ҳукмдорларига бир қатор имтиёзлар бериши, хитойча унвонлар тақдим этиши, ҳарбий ҳаракатларда ёрдамчи кўшин юбориши ва хоказолар Тан

ЭВ. – Москва – Ленинград, 1954. – № IX. – С. 55-64.

¹¹¹ Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. – Москва, 1952. № 1. – С. 193.

¹¹² Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлиги Ашина сулоласининг Фарғонадаги тармоғи тарихига доир ... Б. 14.

¹¹³ Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет... С. 58-59; Баратова Л. С. К исторической интерпретации титула «каган» ... С. 41-43; Babayar G. Fergane bölgesinde bulunan Türk-Runik... S. 135-146.

¹¹⁴ Маликов А. М. Из истории культуры древних тюрок Ферганы // Ватан тарихининг долзарб муаммолари. – Самарканд: 2004. – Б. 34-42.

империясининг устамон ташқи сиёсати билан боғлиқ бўлиб¹¹⁵, хитойликлар Ғарбий ўлкаларда ўзи учун муайян бир плацдарм яратишга ҳаракат қилгани ва бунинг учун Фарғонадан фойдалангани сезилади.

Водий сиёсий ҳаётида Ўрхун водийси (Мўғулистон)нинг ҳам ўзига хос ўрин тутиб, айниқса, VII асрнинг сўнгги чораги – VIII асрнинг илк ярмида Шарқий Турк хоқонлиги – Фарғона орасида ўзаро ҳарбий алоқалар кучайган¹¹⁶. Бутун Ўзбекистон ҳудудидан топилаётган қадимги турк-рун ёзуви туширилган ашё ва бошқа ёдгорликларнинг деярли барчаси Фарғона водийсига тўғри келади. Қолаверса, водийдан қадимги турклар билан боғлиқ кўмиш маросими излари, аниқроғи, мурда куйдириб кўмилган шунингдек, от кўшиб ҳам кўмилганлиги аниқланган. Бундан ташқари, қадимги туркларга хос тош ҳайкаллар - балбаллар топилган¹¹⁷.

Учинчи бобнинг 2- параграфи “*Фарғона Ашина сулоласининг танга-пул тизими*” деб номланган. Тадқиқотчилар фикрича, Фарғона водийсида танга зарб қилиш анъанаси VI–VII асрларда бошланган¹¹⁸. Уларнинг бир қисмини ҳукмдор тасвири, иккинчи бир қисмини эса ўртаси тўртбурчак тешикли, хитой тангаларига тақлид ташкил этади. Ғ. Бобоёров Фарғонанинг Қувада 2 дона мис танга топилганлиги ва уларда эски турк-рун ва суғдий ёзувда $x'γ'n$ “хоқон” унвони, тескари томонида эса $ϣ/Ϸ$ кўринишидаги тамға учрашини келтириб, ушбу тангалар Фарғона Ашина сулоласининг илк тангалари бўлгани, бир томонида $x'γ'n$ “хоқон”, иккинчи томонида $βγ'n$ “Фарғона” сўзи учрайдиган тангалар эса ушбу сулоланинг иккинчи босқич тангалари эканини олға суради¹¹⁹. Унга кўра, VI–VIII асрларда Чочда зарб этилган 20 турдан ортиқ Ашиналийлар сулоласи тангаларида $ϣ$, $Ϸ$, $ϣϷ$ кўринишидаги тамғалар ўрин олган бўлиб, улар Қувадан топилган тангалардаги тамға билан яқин ўхшашликка эга (-)¹²⁰ $ϣ$ $Ϸ$

Учинчи бобнинг 3-параграфи “*Фарғона водийсида юз берган этномаданий жараёнлар*” деб номланади. Фарғона водийси ўз географик жойлашуви, табиий иқлим шароитига кўра Марказий Осиёнинг энг унумдор ўлкаси сифатида маълум бўлган. Шу боис, турли ёзма манбаларда водийга таъриф берилар экан, унинг шаҳарлари кўплиги, боғ-роғлари меваларга тўлаллиги, аҳолисининг фаровон яшаши, одамларининг ўйин-кулгига майлли экани ўзига хос жиҳатлардан бири сифатида кўрсатилади. Айниқса, бу ҳақда хитойлик муаллифлар бир неча бор эслатиб ўтишган¹²¹.

Фарғона водийсининг иқтисодий ҳаётида тижорат ва ҳунармандчилик катта ўрин тутиб, Буюк ипак йўли манзилларидан бир қанчаси айнан водий шаҳарларидан ўтганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Археологик

¹¹⁵ Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар ... Б. 82-87.

¹¹⁶ Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri... S. 318, 542.

¹¹⁷ Матбобоев Б. Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври ... Б. 273-274.

¹¹⁸ Баратова Л. С. Некоторые аспекты товарно-денежных отношений Ферганы в древности и в раннем средневековье ... С. 43-50; Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлиги Ашина ... Б. 3-6.

¹¹⁹ Бабаяров Г. Фергана – как один из центров чекана монет Западно-Тюркского каганата // ИМКУ, Вып. 40. – Самарканд, 2019. – С. 124-134.

¹²⁰ Бабаяров Г. Тамги на монетах оазисов Средней Азии эпохи раннегосударственного / Тамги доисламской Центральной Азии – Tamgas of Pre-Islamic Central Asia. – Самарканд: МИЦАИ, 2019. – С. 338, 355-358.

¹²¹ Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар ... Б. 119.

қазишмалар натижасида қўлга киритилган юзлаб моддий ашёлар – сопол буюмлар, металл ва суяк ашёлар, уй-рўзгор анжомлари, меҳнат қуроллари, тақинчоқлар, шаҳарларнинг топографияси ва бошқалар илк ўрта асрлар Фарғона ва Суғд маданиятида жуда яқин ўхшашликлар бўлганини тасдиқлайди¹²². Бу, аввало ҳар иккала тарихий ўлканинг нисбатан яқин ҳудудларда жойлашганлиги, фаол савдо-сотик ва доимий алоқаларда олиб борилганлиги, ўзаро этномаданий яқинлик бўлганлигидан дарак беради.

Қува (Кубо) шаҳрининг VI–VIII асрлар даври маданий қатламлари бу даврдажездан буюмлар яшаш одат тусига кирганлиги аниқланган¹²³. Тақинчоқлар билан бирга от-улов учун эгар-жабдуқлар яшаш ҳам бошланади¹²⁴. В.А. Булатова VIII асрда фаолият кўрстаган тоштарошлар устахонаси ҳақида маълумотлар келтириб, қазув ишлари олиб борилган жойда ярим ишланган тошлар ва уларнинг хомашёсини топган¹²⁵.

Водий аҳолиси, эҳтимол, маҳаллий сўзлашув тилига кўра суғдий тил билан ўзаро ўхшамайдиган, фарқли тил гуруҳига мансуб эди. Бироқ водийнинг бир қисм аҳолиси суғдий тилли бўлгани ёки маҳаллий аҳолининг айрим қатламлари ушбу тилдан хабардор бўлганини тасдиқлайдиган бир қатор далиллар мавжуд. Шунингдек, Фарғонада Турк хоқонлиги бошқаруви ўрнатилгач, воҳа аҳолиси этник таркибида ҳам туркий халқларнинг салмоғи янада ортади. Чоч ва Фарғонадаги туркий аҳоли ушбу ҳудудларнинг маҳаллий, туб жой аҳолиси бўлгани тахмин қилинади¹²⁶. Археологик материаллар ҳам илк ўрта асрларда водий аҳолисининг сезиларли бир қисмини туркий тилли халқлар ташкил этганини тасдиқлайди¹²⁷.

ХУЛОСА

Фарғона водийсининг Ашиналийлар сулоласи (Турк хоқонлиги: 552-744; Ғарбий Турк хоқонлиги: 568-740) томонидан бошқарилуви масаласини турли тиллардаги ёзма манбалар ва археологик, шу жумладан, нумизматик материаллар асосида ўрганиб чиқиб, қуйидагича хулосаларга келинди:

1. 550- йилларда Эфталитлар давлати шимолӣ чегараларида жой олган Фарғона водийсининг ушбу салтанатга тобелиги нисбий бўлиб, бу ердаги ўз маҳаллий бошқарувига эга Фарғона ҳукмдорлари 550- йилларнинг ўрталаридан бошлаб Турк хоқонлиги хоқонлик қўл остига ўтади. VII аср бошларигача хоқонликнинг Ғарбий қаноти – Ашиналийлар сулоласи тасарруфида бўлган Фарғона водийсида маҳаллий сулола ўз ички ишларида мустақил равишда бошқарувда давом этади. Бу даврни Фарғонада Ғарбий

¹²² Отаҳўжаев А. Буюк ипак йўли: Суғд ва Фарғона муштараклиги / Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси мавзuidaги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 73–78.

¹²³ Ширинов Т.Ш., Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П. Аҳмад ал-Фарғоний даврида Кубо шаҳри ... Б. 64-65.

¹²⁴ Булатова В.А. Бронзовый штамп из Кувы VII–VIII вв. //ИМКУ, вып. 4. – Ташкент, 1972. – С. 110-111; Ширинов Т.Ш., Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П. Аҳмад ал-Фарғоний даврида Кубо шаҳри ... Б. 64-65.

¹²⁵ Булатова В.А. Древняя Кува. – Ташкент, 1972. – 47.

¹²⁶ Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар ... Б. 190-191; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса.. - С. 46-49.

¹²⁷ Бернштам А.Н. Древняя Фергана ... С. 22-26; Асқаров А.А. Қадимги Фарғона тарихидан лавҳалар ... С. 27-28; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи ... Б. 34-37; Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти ... – Б. 489-491.

Ашиналийлар сулоласининг бошқарув назорати тўғридан-тўғри эмас, билвосита бўлган давр, деб ҳисоблаш мумкин;

2. VII асрнинг биринчи чораги, яъни 620- йиллар охирида Фарғона маҳаллий ҳукмдорининг Фарбий Ашиналийлар сулоласи вакиллари томонидан ўлдирилиши ва водий бошқарувини хоқонлик шахзодаларидан бири – Ашина Шунининг эгаллаши. Хоқонлик асосчиси бўлмиш Ашина хонадонига мансуб бўлган ушбу шахс воҳада ўз сулоласига асос солади. Бу даврни Фарбий хоқонлик томонидан Фарғона водийсида тўғридан-тўғри бошқарув, яъни бевосита бошқарувнинг йўлга қўйилиши деб ҳисоблаш мумкин;

3. Фарғона водийсидаги хоқонлик вакилларининг анчагина мустақил ҳаракат қилиши ва Фарбий турк хоқонлари томонидан назоратчи ноиб – “тутук” юборилиб, улар воситасида бу ерни назоратда тутишга ҳаркат қилинган давр. Қарийб VIII аср ўрталаригача давом этган бу босқичда Фарғона бошқарувида хоқонлик бошқарувига хос анъаналар билан маҳаллий бошқарув анъаналари ўзаро қоришган бир тизим амал қилади;

4. Ёзма манбалар ва нумизматик материаллардан маълум бўлишича, хоқонлик даврида Фарғона водийсида куйидагича бошқарувчилар фаолият юритган (*қар.* 2- илова): 1) Киби – 600-620 йй.; 2) Ашина Шуни – ваф. 627 й.; 3) Эбочжи – 620-640 йй. / 640-660 йй. (Косон шаҳрида); 4) Аляоцан (620-640 йй. / 640-660 йй. (Хумин ва Косон шаҳарларида); 5) Аляода (Алутар) – 700-720 йй. / 720-740 йй.; 6) Арслон Тархон-чўр (740-751 йиллар);

5. Фарғонанинг Ашина сулоласи вакиллари Фарбий Турк хоқонлиги маркази бўлмиш Суёб (Еттисув) билан тиғиз сиёсий алоқаларда бўлади. Албатта, бу алоқаларнинг негизида ҳар иккала ҳудуд бошқарувчиларининг келиб чиқиши битта сулолага бориб тақалиши бўлса, иккинчи томондан Фарғона ва Еттисувнинг ҳудудий жиҳатдан яқин жойлашгани эди. Фарғона водийсидаги бош сулоланинг келиб чиқиши Фарбий турк хоқонларига бориб тақалашини ушбу сулола вакилларининг хоқонлик марказидаги сиёсий жараёнларга аралашув имконини бериш билан бирга қарши хавф туғилган паллаларда хоқонлик томонида туриш заруриятини келтириб чиқарган;

Бу даврда воҳада асосан Фарғона Ашина сулоласи (630-760 йиллар) каби хоқонликка тўғридан-тўғри алоқадор сулола ҳукм суриб, водийдаги бошқа маҳаллий сулолалар унга бўйсунган. Бу даврда водийда бир неча катта-кичик ҳукмдорлик - мулкликлар мавжуд бўлиб, Ашина сулоласи – Косонда, бошқа сулолалар эса Ахсикент, Қува, Ўзганд ва Исфарада туриб ҳукм юритишган;

6. Хоқонликнинг Фарғонадаги бошқарувининг биринчи босқичи Амударё – Сирдарё оралиғидаги Чоч, Уструшона ва Суғд каби бир қатор воҳа ҳукмдорликлар бошқаруви билан деярли бир хил бўлса-да, моҳият жиҳатидан бирмунча фарқлиқлари бўлгани ҳам кўзга ташланади. Хусусан, иш юритиш ва ёзишмалар фақат суғдий тил ва ёзувда олиб борилган ушбу ҳукмдорликлардан фарқли ҳолда Фарғонада қадимги турк-рун ёзувида юритилгани кўзга ташланади. Бундан ташқари, Фарғонадаги Ашина сулоласи минтақа сиёсий ҳаётида анча фаол қатнаша бошлаган бўлиб, ушбу сулола

вакиллари хоқонликнинг VIII асрнинг илк чорагида Еттисув, Шарқий Туркистон ва Суғддаги ҳарбий амалиётларида яқиндан иштироқ этади;

Ашиналийлар сулоласи даврида Фарғона водийси ўзининг бутун ҳокимият белгиларига эга бўлиб, нафақат қўшни ҳукмдорликлар, балки узоқ ўлкалар билан ҳам дипломатик алоқаларни йўлга қўйган. Хусусан, Фарғона ҳукмдорларининг бошқарув маркази – пойтахти, унвон ва эпитетлари, ҳокимият рамзлари – байроқ, тамға, танга, муҳр, тахт ва бошқалар мавжуд бўлиб, Чоч ва Суғд ҳукмдорликлари, шунингдек, Хитой, Шарқий Турк хоқонлиги ва Тибет билан дипломатик алоқалар ўрнатилган;

7. Ашиналийлар сулоласи даврида водий аҳолиси таркибида туркий қатламнинг нуфузи тобора орта бошлайди. Бу даврда водийда қадимги турк-рун ва суғдий ёзувларида иш юритилган. Фарғонанинг Ашина сулоласига тегишли мис тангаларнинг ҳар иккала ёзувда бостирилгани бундан дарак беради;

8. Водийнинг бошқарув тизимида қадимги туркий ва маҳаллий анъаналар ўзаро синтезлашиб, “тегин”, “чўр”, “тутуқ”, “тархон” каби хоқонликка хос туркий унвонлар ва “ихшид”, “деҳқон” каби суғдий (шарқий эроний) унвонлар амалда бўлган. Фарғонадаги Ашина сулоласи вакиллари ўз танга-пул зарбини йўлга қўйган бўлиб, уларда қадимги турк-рун ва суғдий ёзувда унвон ва жой номлари ўрин олган. Ушбу тангаларда қадимги туркча “хоқон” унвони билан бирга хоқонликнинг Ашина сулоласига тегишли тамға учраб, айрим тангаларда “Фарғона” сўзи жой олган эди.

Умуман олганда, Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Фарғона бошқарувида катта ўзгаришлар юз бериб, бу ерда туркий давлатчилик анъаналари янада мустаҳкамланади. Хоқонликнинг бу ердаги бошқаруви билвосита эмас, балки тўғридан-тўғри бўлиб, шу жиҳати билан минтақадаги бир қатор воҳа ҳукмдорликлар бошқарувидан фарқ қилади.

Ушбу изланиш натижалари бўйича қуйидаги **таклиф** ва **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон тарихининг илк ўрта асрлар даврине ёритишда, айниқса ўзбек давлатчилигининг узвий қисми бўлган Фарғона водийси тарихи ҳақида ёзиладиган яхлит илмий ишлар ва илмий оммабоп нашрлар тайёрлаш тавсия этилади;

2. Фарғона водийсини ислом дини қарор топишидан олдинги тарихи, маданияти, этносиёсий жараёнларни археологик материаллар ва ёзма манбалар орқали комплекс ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади;

3. Республика ва вилоятлар миқёсидаги ўлкашунослик музейларида Ашиналийлар (Турк хоқонлиги) даврига оид Фарғона водийсидан топилган археологик материалларни экспонат сифатида фойдаланиш тавсия этилади;

4. Ёзма материаллар ҳамда археологик топилмаларни ўзаро солиштириш натижасида қўлга киритилган Ғарбий Турк хоқонлиги ва Фарғона водийсига тегишли маълумотлардан назарий-антропологик ёндашувларда фойдаланиш ва уларни тарихий мавзулар доирасида талқин қилиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC. 02/30.12.2019. TAR.56.01. ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ИСТОРИИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ИНСТИТУТ ИСТОРИИ

УЛУГБЕК РАХМАТУЛЛАЕВИЧ ХАЛМУМИНОВ

**СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ
В ПЕРИОД АШИНИДОВ**

07.00.01 – История Узбекистана

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам

Ташкент, 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам была зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2021.4.(PhD)/Tar.372.

Диссертация выполнена в Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета (fati.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:	Гайбулла Болиевич Бабаяров доктор исторических наук
Официальные оппоненты:	Аблат Ходжаевич Ходжаев доктор исторических наук, профессор Саиданвар Бахромжон угли Юлдашев доктор философии (PhD) по историческим наукам
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «__»__2022 г. в__ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01. по присуждению ученых степеней при Институте истории Академии наук Республики Узбекистан от (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Яхьи Гулямова 70, главный корпус Академии наук, 110-кабинет. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz. Институт истории АН Республики Узбекистан).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована под №__) (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Зиёлилар, 13. Тел: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41).

Автореферат диссертации разослан «__»_____2022 г.
(реестр протокола рассылки №_от «_»_2022 г.)

Азамат Зиё

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

Х.С. Жуманазаров

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по историческим наукам, PhD

Н.А. Аллаева

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.и.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На просторах Евразии одним из важнейших историко-географических и экономико-культурных регионов является Центральная Азия, где на протяжении почти трёх тысячелетий существовали, сменяя друг друга, десятки крупных политических объединений тюркских и других народов, создавших уникальную экономическую и этнокультурную среду. Образованные различными народами, в том числе тюрками, они являли собой уникальную экономическую и этнокультурную среду. Характерной чертой стало укрепление социально-политических и этнокультурных связей между разными этническими группами в пределах этих государств. В связи с этим, одним из актуальных направлений исторической науки сегодня, является изучение исторических связей между народами региона. В частности, проблема более четко отражена в аспекте государственности народов региона и связанном с нею государственным управлением.

В последние годы крупные исследовательские институты по всему миру уделяют особое внимание истории династии Ашинидов¹ и входивших в состав Тюркского каганата владений Ферганы, Чача, Восточного Туркестана, в том числе в связи с расширением спектра исследовательских вопросов в области номадоведения. Ферганская долина оставила глубокий след в истории региона, своей своеобразной культурой и традициями государственности. В контексте развития современных межрегиональных отношений особенно важно изучать историю тюркского каганата, который охватывал территории от долины Орхона (Монголия) до Северного Причерноморья, включая Среднюю Азию, и специфику взаимоотношений тюрков и их вассальных владений. Важность этого направления научных исследований подчеркивает тот факт, что в странах Восточной Европы, в Турции, России, Монголии, Китае, странах Центральной Азии в этой области работают десятки специалистов. И хотя в их работах определённое место уделено изучению Ферганской долины, наряду с такими владениями как Чач и Согд, в составе тюркских каганатов, тема административного управления Ферганской долины в составе государства Ашинидов полностью не раскрыта. Поэтому сейчас настолько важно изучить период когда здесь властвовал Каганат.

Важным является изучение исторических процессов, происходивших в прошлом, особенно сейчас, когда активизируются международные интеграционные процессы. В своем выступлении на Торжественном собрании посвященном 30-летию придания узбекскому языку статуса государственного языка 21 октября 2019 года Президент Республики

¹ *Ашиниды* – в исторической литературе посвящённой Великому тюркскому и Западному тюркскому каганату, называют правящую династию создавшую государство называют просто Ашина, но с точки зрения тюркской государственности используется и термин «династия ашинидов». (См.: Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 80-90). Вместе с тем, многие узбекистанские исследователи являются сторонниками называть это государство «Тюркским каганатом». По нашему мнению эта проблема еще ждет своего окончательного разрешения среди узбекистанских исследователей.

Узбекистан Ш. Мирзиёев уделит большое внимание интеграции между братскими тюркскими народами². Сейчас, когда братские отношения между тюркскими народами продолжают развиваться, возникает необходимость объективной оценки исторических событий. В связи с этим представляется важным изучение истории Центральной Азии, в том числе и соседних регионов в эпоху раннего средневековья и в частности на примере Ферганской долины периода династии Ашина, в которой успешно происходил процесс взаимной интеграции десятков народов.

В частности, исследователи до сих пор не пришли к единому мнению о методах и средствах управления, применяемых каганатом на территории Ферганы, выдвигая противоречивые гипотезы по этому вопросу. По этой причине в данном исследовании особое внимание уделяется взаимоотношениям кочевых и оседлых народов этого региона в изучаемый период.

Настоящее исследование в определённой степени послужит решению задач по развитию исследовательской и инновационной деятельности, научному изучению, популяризации и обогащению истории, материального и культурного наследия нашего народа, установленных в Указе Президента РУз от 7 февраля 2017 г. за № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»³, и в постановлении Кабинета Министров РУз от 16 октября 2017 года № 831 «Об учреждении памятного комплекса по охране и исследованию объекта археологического наследия «Ахсикент» в Туракурганском районе Наманганской области»⁴.

